

Тошкент шаҳар Фармацевтика институти
Токсикологик, Органик ва Биологик кимё кафедраси

РЕФЕРАТ

**Мавзу: *Биологик фаол моддаларнинг янги
манбаларини излаб топиш усуллари***

Бажарди: Комилова М.

Текширди: каф.мудир проф.
Махмуджонова К.С.

Тошкент -2016

Биологик фаол моддаларнинг янги манбаларини излаб топиш усуллари

Рептин-Плант турдаги овқатда биологик фаол қўшимча бўлмиш, Эриксин типидagi препаратни ишлаб чиқарилишида қўлланадиган янги биотехнологиянинг моҳияти шундаки, яхлит биомасса кўпгина дастлабки таркибийларга айлантирилади. Бу, махсус шароитларда ўтадиган, узоқ жараён автолиз натижасида юз беради.

Автолиз ва кейинги технологик операциялар натижасида биологик фаол моддаларнинг иккита ҳар хил мураккаб комплекси ҳосил бўлади:

а) венага киритиш учун сувли (протеинли) эритма (аминокислоталар, пептидлар, микроэлементлар) – Эриксин (Рептилин) доривор препарат;

б) липидли концентрат (ёғли кислоталар, глицеридлар, аминокислоталар, пептидлар, микроэлементлар) – Рептин-Плант турдаги овқатда биологик фаол қўшимча.

Олинган табиий махсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари таъсир этишларнинг ифодаланиши, тизимлиги ва ҳар хиллиги, шунингдек салбий таъсир мавжуд бўлмаган ҳолда организм учун юқори даражада фойдалиги.

Ҳозирги вақтга қадар Ерух автолиз якуний махсулотларининг қуйидаги хоссалари аниқланган:

- умумий мустаҳкамловчи ва кучайтирувчи;*
- имуномодуллиантирувчи;*
- интерферон кучайтирувчанлиги;*
- вирусга қаршилиги;*
- яллиғланишга қаршилиги;*

- регенераторлиги;
- гепатотроплиги;
- гастропротектинлиги;
- кардиокучайтурувчанлиги;
- ангиотроплиги;
- гемопоэзни кучайтириши;
- айрим ички секреция безларини кучайтириши.

Автолиз махсулотларининг таъсир моҳиятини қисқача организмнинг деярли барча тизимлари фаолиятини кучайтириши ва яхшилаш орқали таърифлаш мумкин. Бунда функционал хоссаларини нормаллаштириш, шунингдек патология шароитларида тўқима шикастларини тикланиши организмнинг ўз ресурсларини кучайтириш орқали юзага келади. Ҳал қилувчи бўгин бу ерда иммун тизимининг фаоллашувидир.

Эриксин таъсирида патологикдан нормал морфо-функционал ҳолатга ўтиш, умумбиологикларга мос бўлган қонунларга ва хусусиятларга эга:

1. Даволовчи таъсир аввалига умумийларни, кейинчалик эса маҳаллий патологияларни аста-секин яхшилаш ва нормаллаштириш билан бошланади. Бундай жараёни ўтиши кўтарилиши ва пасайиш даврли спирал кўринишида таърифлаш мумкин;
2. Аввалига кам жароҳатланган, кейинчалик эса кўпроқ жароҳатланган учусткалар тикланади. Бунда юқори кўрсаткичлар нормагача тушади, пастлари эса – нормагача кўтарилади. Ўзгармас органлар ва тизимларнинг ҳолати дастлабкига нисбатан яхши бўлади;
3. Паталогия шароитида даволаш жараёни учун маълум босқичма-босқичлилик ўзига хосдир. Улар ичида учтасини ажратиш мумкин: дастлабки (патологик аломатлар ифодаланишининг кучайиши), нисбий турғун (касаллик намоён

бўлишида ижобий ўзгаришларни устунлиги) ва тикланиш (клиник-лаборатория маълумотларни нормалланиши);

4. Эриксинни киритишга эҳтимоли бор реакция (оғриқ, экссудация, гиперемия, харорат ошиши, тошма) патология ўчогида (-ларида) тўқималарни ўзгаришларини, шунингдек турли тизимлар ҳолатини функционал пасайишини ёки ўзгаришини акс эттиради: юрак-томир, вегетатив, иммунитетли ва бошқа. Организмнинг нормал ҳолатида мазкур реакциялар кузатилмайди;

5. Даволаш жараёнида морфо-функционал ҳолатни яхшиланишга қараб киритиладиган препаратнинг дозаларига организмни аста-секин мослашуви юз беради. Бунда дозалар дастлабкига нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши мумкин;

6. Эриксинда турли хоссаларни мавжудлиги ҳар хил ҳолатларда у ёки бу даражада ижобий эффектларга эришишга имкон беради. Шу билан бир қаторда, организмда ўз ресурсларини сафарбар қилиш ва терапия таъсирида тикланиш имкониятлари ўз чегараларига эга. Бу, автолизатлар ҳар қандай касалликдан даволовчи восита бўлмаслигининг сабабларидан биридир. Эриксиннинг клиник нафнининг ифодаланиши паталогия жараёнини характерига ва паталогияни оғирлигига боғлиқ бўлади;

7. Эриксин билан даволаш максимал (соғайиш ёки ремиссия), ўртача (ахволни 50-80% яхшиланиши) ва бир оз (10-30%) наф келтириши мумкин. Биринчи ва иккинчи тоифаларга кўпгина яллиғланиш, юқумли, вирусли, алмашув-дистрофик, айрим аллергия ва бошқа касалликларни киритиш мумкин. Учинчи тоифага янгидан пайдо бўлган ўсмалар, аутоиммун ва генетикага боғлиқ бўлган касалликлар киради;

8. Максимал терапевтик нафига эришиш учун етарли доза (икки кара киритиш режимида) ва етарли даволаш даври керак. Терапиянинг истиқболи (сурункали шаклда) ҳақида, даволашнинг биринчи ойида олинган нафнинг ифодаланиши бўйича ҳукм чиқариш мумкин.

Қиёсий самарадорлик масаласига келганда шуни тасдиқлаш мумкинки липидли концентратга қараганда, ички венага киритиш учун сувли эритма анча

самарали таъсир этади. Клиник шароитларда эриксиннинг кучи ва қувватини турли гуруҳларнинг бошқа препаратлари билан солиштириши қийин. Унинг камчилиги деб киритиши йўлини ҳисоблаш мумкин (бу таркиб учун парэнтерал йўл – энг физиологик ва самарали) ва узоқ муддат қўллашнинг объектив кераклиги (сурункали патологияда).

Иккинчи томондан, ўзининг таркиби бўйича липидли концентрат сувли эритмадан бой бўлади. Айрим аллергия касалликларда унинг самарадорлиги юқори.

Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти – бу унинг оддийлиги ва экологик зарарсизлиги. Ишлаб чиқариши даври 8-10 ойни ташиқ қилади. Бунда хом ашё базасини ташиқ қилиши муаммосини ҳал қилиши керак. Ҳар қандай ҳолда ишлаб чиқариши ҳажмлари хом ашё имкониятлари билан чегараланади, чиқадиган маҳсулот оммавий характерга эга бўлмайди.

Кейинги изланишлар, эҳтимол, эталонга (Eryx) тенг ёки унга яқин биоматериал топишга имкон беради.

Автолиз маҳсулотларини қуйидаги шаклларда чиқариши мумкин:

ички венага инъекция учун сувли эритма (Эриксин турида – 1 мл – 5 мг);

липидли концентратдан капсулада ёки таблеткада (0,25 г);

малҳам дори;

шамчалар.

Олинган автолиз маҳсулотлари асосида турли таъсир характерига эга янги доривор шаклларни, вакциналарни ва биологик фаол қўшимчаларни яратиши мумкин.